

АКЧАЛАК МАЙДОНИНИНГ ТЕКТНИК ЖИХАТДАН ЖОЙЛАШИШИ*Дононов Жасур Урал ўгли**Қариши мухандислик иқтисодиёт институти
Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси
кафедраси доценти, g.-m.f.f.d. (PhD)**E-mail: jasurdononov@mail.ru**G-mail: jasurdononov@gmail.com*

Аннотация: Месторождение Акчалак расположено в Северо-Устьуртском бассейне, который в тектоническом отношении представляет собой крупномасштабную структуру первого порядка. Он граничит с севера с Южно-Эмбенским поднятием, с востока с Ароль-Кызылкумским поднятием, с юга с районом Мангышлоқ-Центрально-Устьуртского поднятия. Южно-Мангышлоқ-Устьуртский бассейн расположен в южной части региона.

Ключевые слова: Ароль-Кызылкумское поднятие, Косбулокское, Самское, Борсакельмасское, Судочское впадина и разделяющие их поднятия, Кассарминское, Байтерекское и Теренггудук-Харайское стенообразные поднятия.

Abstract: The Akchalak field is located in the North-Ustyurt basin, which tectonically represents a large-scale structure of the first order. It is bordered from the north by the South-Emben uplift, from the east by the Arol-Kyzilkum uplift, and from the south by the Mangishloq-Central-Ustyurt uplift region. South-Mangishloq-Ustyurt basin is located in the southern part of the region.

Key words: Arol-Kyzilkum uplift, Kosbuloq, Sam, Borsakelmas, Sudochy depression and uplifts separating them, Kassarmin, Bayterek and Terengguduq-Kharai wall-like uplifts.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION) Акчалак майдони тектоник жихатдан ўзи билан биринчи тартибли йирик структурани намоён қилувчи Шимолий-Устьурт чўкмасида жойлашган. У шимолдан Жанубий-Эмбен кўтарилмаси билан, шарқдан Ороль-Қизилкум кўтарилмаси билан, жанубдан Мангышлоқ-Марказий-Устьурт кўтарилма минтақаси билан чегараланган. Худуднинг жануб томонида Жанубий-Мангышлоқ-Устьурт чўкмаси мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / LITERATURE REVIEW) Тектоник схемага мувофиқ (Т.Л.Бабаджанов, 1974 й.) Шимолий-Устьурт чўкмасида иккинчи тартибли бир қатор структуравий элементлар ажратилади: Косбулок, Сам, Борсакелмас, Судочий ботиклиги ва уларни ажратувчи кўтарилмалар: Ақтумсук дислокация тизими, умумлашувчи Кассармин, Байтерек ва Теренггудук-Харой деворсимон кўтарилмалари. Чўкманинг жанубий қисмида жойлашган Байчагир-Яркимбой ва Куаниш-Коскалин кўтарилмалари яққол бузилган.


Куаниш-Коскалин деворсимон кўтарилмасининг марказий қисмида Акчалак майдони жойлашган (1-расм). У Борсакелмас ва Судочий ботикликларини ажратиб туради. Куаниш-Коскалин деворсимон кўтарилмаси

меридионал йўналишда чўзилган ва унинг ўлчами 90 x 25км бўлиб, юра ётқизиқлари бўйича кўтарилманинг амплитудаси 200-250м. Ушбу кўтарилмада маҳаллий антиклинал бурмалар ажратилади.

Акчалак структураси жануб томон чўкиб боради ва субмеридионал йўналишда чўзилган. Акчалак структураси №№10, 17 кудуқлар бўйича 3,5 x 3,0 км ўлчамли унча катта бўлмаган гумбазни намоён қилади. Унинг баландлиги тахминан 5м ва қатламларнинг оғиш бурчаги 30-45⁰ дан ошмайди.

Устюрт ҳудудининг тектоник районлаштириш схемаси

Тузди: Абидов А.А., Бабаджанов Т.Л.



1 – Расм.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS) Чуқур бурғиладиган ва сейсморазведка ишлари асосида ўрганилган маълумотлар бўйича Акчалак майдонидаги юра даври ётқизиқлари юзаси бўйича структура мустақил брахишаклли структурани намоён қилади. Структура иккита маҳаллий гумбаз билан мураккаблашган. Улардан бири майдоннинг шарқий қисмида жойлашган

(№6, 11 кудуклар ҳудуди), иккинчиси эса жануби-ғарбда (№2 кудук ҳудуди) жойлашган. Структуранинг умумий ўлчами 5,5 x 6,5 км, амплитудаси (-2150 изогипслар бўйича) 16 м, субмеридионал чўзилган.

Структуранинг 1,2 x 1,5 км ўлчамли (амплитудаси 10м дан кам) маҳаллий гумбази сейсморазведка маълумотлари бўйича ажратилади.

Структуравий қурилмаларни бажариш объектни геометризация қилиш учун асос бўлган. Бунда профилли кесимлар ва маҳсулдор коллектор қатламлар юзаси бўйича хариталар қурилган. Ишлар охирида ҳисобланган майдон бўйича ҳар хил стратиграфик даражалар қурилган. Ушбу хариталар структуравий хариталар деб ҳисобланмайди ва у ўзи билан умумлашган юза қисмларни намоён қилади.


Нефт-газдорлиги Устюрт платоси ҳудуди ҳар томонлама нефт-газдорли минтақалар билан чегараланган: шимоли-ғарб томондан унга Жанубий-Эмбен, жануби-шарқ томондан Бухоро-Хива, жанубдан Марказий-Қорақум, ғарбдан Жанубий-Мангишлак нефт-газли минтақалар туташади (2-расм).

Тадқиқот майдони Шарқий Устюрт ҳудудида жойлашган. Унда ҳозирча битта йирик Шохпахта газ кони (юқори юра терриген комплексларида) мавжуд. У Ассаке-Аудан ботиқлигида Устюртнинг шарқий қисмида жойлашган.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION): Сўнги 20 йилдан буён қидирув-разведка бурғилаш ишлари Шарқий Устюрт ҳудудларида олиб борилмоқда. Ушбу вақт давомида Акчалак майдонида жойлашган Куаниш газ кони очилган. Ушбу ҳудудда Куаниш горизонти ётқизиклари маҳсулдор ҳисобланади. уюмдаги газнинг захираси 1846млн м³, конденсатнинг захираси 571,4 минг тонна.

Бундан ташқари Борсакелмас ботиқлигида иккита: Ғарбий Борсакелмас ва Кокчалак конлари ҳам очилган. Борсакелмас, Аламбек, Чибели, Агиин ва бошқа майдонларда бурғилаш жараёнида қуйи-ўрта юра ётқизикларида газ маҳсулотлари кузатилган. Бу маълумотлар Борсакелмас ботиқлигида қуйи-ўрта юра даври ётқизиклари маҳсулдорлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудлар тўлиқ ўрганилиб бурғилаш жараёнлари олиб борилмаган. Бунга сабаб маҳсулдор горизонтларнинг мураккаб тузилишга эгаллиги, кесим бўйича фашиал ўзгарувчанлик кузатилиш, кесимда қатлам-гумбаз типли кўп микдордаги қопқоқларнинг мавжудлиги, кесимнинг литологик чегараланганлиги ҳисобланади. Газ уюмлари чегаралари бир бириг қўшилиб кетган. Буларнинг ҳаммаси қидирув тадқиқотларини олиб бориш учун ўзига хос қийинчиликлар туғдиради.

Нефт ва газ конлари ва инвестицион блокларнинг жойлашиш схемаси



2 – Расм.

Акчалак структурасининг газлилик хусусияти.

Барча кудуқларда бурғилаш жараёида кесимнинг нефт-газдорлигини аниқлаш учун газли каротаж тадқиқотлари олиб борилган. ушбу тадқиқотлар натижасида етарлича маълумотлар олинган ва улар геологик-геофизик маълумотларни якуний талқин қилишда унумли фойдаланилган.

Якуний талқин қилиш мақсадида бурғилаш жараёнида бир қатор кудуқлардан намуналар олинган. Бунда каротаж кабелларидан фойдаланилган. Айрим ҳолларда тадқиқотлар натижалари оралиқ қоришмалар намуналари бўлганлиги учун маълумотлар сифати ёмон бўлган. Бунга сабаб кудуқ стволининг техник сабабларга кўра нотўғри турганлигидадир.

Чегаралнган кўламда очик кудуқларни текшириш ишлари олиб борилган. Бу эса кудуқларни нотўғри бурғилашни олдини олиш имконини берган.

Акчалак майдонида олиб борилган геологик-геофизик тадқиқотларнинг ҳар хил маълумотлари бўйича нефт-газдорлиликни ўрганиш учун комплекс ҚГТ тадқиқотларини олиб бориш йўлга қўйилган. Тадқиқотлар натижасида очилган кесимларнинг газлилик хусусиятлари ўрганилган ва маҳсулдор қатламлар ажратилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. А.Г.Ибрагимов: “Подсчёт запасов газа и конденсата месторождения Акчалак в Узбекской ССР за период 1979 – 1988 гг.”. Ташкент, 1990 г.
2. А.М.Акрамходжаев, Х.Х.Авазходжаев, Л.И. Лабутич, Ш.С.Содиқова: “Предпосылки формирования и неструктурных ловушек в мезозойско-палеозойских отложениях Устюрта и прилегающих районов”. Ташкент, 1983 г.
3. У.А. Алибаев, А.А. Рябченко: “Отчёт о поисковых сейсморазведочных исследованиях ОГТ в юго-восточной части Барсакельмесского прогиба,

выполненных в 1976-1979 гг.". Барсакельмесской с/п №5/76. ПГО "Узбекгеофизика", 1980 г.

4. У.Аралбаев, Н.И.Лебедева: "Отчёт о результатах поисково-структурного бурения на Каскалинской площади плато Устюрт". Трест "Каракалпакнефтегазразведка", 1966 г.

5. А.М.Акрамходжаев, Х.Х.Авазходжаев, А.А.Валиев ва бошқалар: "Геологическое строение и предпосылки нефтегазоносности Устюрта". Ташкент, ФАН, 1967г.

6. Дононов Ж.У.Ў., Ахматов Д.М. СУРХАНДАРЁ МЕГАСИНКЛИНАЛИНИНГ НЕФТГАЗЛИЛИГИНИ ГЕОФИЗИГИК ЎРГАНИЛГАНЛИГИ //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 4-2. – С. 463-467.

7. Дононов Ж.У., Тураев Ш.А., Махмудов Ж.М. ПОЗДНЕКАЙНОЗОЙСКИЕ РАЗРЫВНО-СКЛАДЧАТЫЕ ДЕФОРМАЦИИ ЮГО-ЗАПАДНОЙ ЧАСТИ БАЙСУНТАУ //СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНИКА И ТЕХНОЛОГИИ В НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ. – 2022. – С. 296-302.

8. Дононов Ж.У. Бойсунского прогиба палеогеография, тектоника и геодинамика исследуемой территории //Международный научные журнал. Научные горизонты. Россия. – 2020. – Т. 4. – №. 32. – С. 149-154.

9. Мамадалиев Б.М., Дононов Ж.У. Комплексное применение геофизических методов при решении поисково-разведочных задач на площади Аввал Ферганской впадины // Современные техника и технологии в научных исследованиях. – 2019. – С. 119-122.